

БАНК ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА САМАРАЛИ БАНК МЕНЕЖМЕНТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Имомов Бобир Бурханович

Магистр

Аннотация. Банк фаолиятини рақамлаштириш шароитида самарали банк менежментини ташкил этиш молия сектори барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Рақамли технологиялар банк бошқарув тизимини оптималлаштириш, қарор қабул қилиш жараёнларини автоматлаштириш ва рискларни самарали бошқариш имконини беради. Шу билан бирга, рақамлаштириш орқали мижозлар билан ўзаро муносабатлар янги босқичга кўтарилади, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва бозорда рақобатбардошликни таъминлаш имконияти яратилади. Ўзбекистонда банк тизимини рақамлаштириш доирасида менежментнинг замонавий усулларини жорий этиш, рақамли малакали кадрлар тайёрлаш ва инновацион бошқарув моделларини қўллаш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Самарали банк менежментини йўлга қўйиш рақамли иқтисодиёт шароитида молиявий барқарорликни таъминлаш, фаолият самарадорлигини ошириш ва банк тизимини халқаро стандартларга мослаштиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Калит сўзлар: рақамлаштириш, банк хизматлари, рақамли иқтисодиёт, финтех технологиялар, электрон тўловлар, онлайн банкинг, мобил иловалар, рақамли трансформация, инновацион молиявий хизматлар, мижозлар қониқиши, ахборот хавфсизлиги, киберхавфсизлик, блокчейн технологияси, сунъий интеллект, рақамли инфратузилма, молиявий инклюзия, рақамли банк маҳсулотлари.

Annotation. In the context of digitalization of banking activities, establishing effective bank management plays a crucial role in ensuring the stability of the financial sector. Digital technologies make it possible to optimize management systems, automate decision-making processes, and manage risks more efficiently. At the same time, digitalization elevates customer relations to a new level, improves service quality, and enhances competitiveness in the market. In Uzbekistan, within the framework of banking system digitalization, the introduction of modern management methods, the training of digitally skilled personnel, and the application of innovative management models have been defined as key priorities. Implementing effective bank management under digital transformation is one of the main factors in ensuring financial stability, improving operational efficiency, and aligning the banking system with international standards.

Keywords: digitalization, banking services, digital economy, fintech technologies, electronic payments, online banking, mobile applications, digital transformation, innovative financial services, customer satisfaction, information security, cybersecurity, blockchain technology, artificial intelligence, digital infrastructure, financial inclusion, digital banking products.


Жаҳонда рақамлаштириш ривожид аввалида банк хизмат турларини замонвий технологияларни қўллаш орқали кўрсатишни тадқиқ қилиш каби масалаларга эътибор кучайиб бормоқда. Бу соҳада банк хизмат турларини самарали бошқаришнинг замонавий интеграллашган ахборот тизимларини жорий этиш, тизим маълумотларининг шаффофлиги ва ҳимояланишини таъминлаш, рақамлаштириш технологияларини қўллаш ҳамда ахборот тизимларининг ўзаро ахборот интеграциясини самарали равишда амалга ошириш методикасини такомиллаштириш масалалари асосий тенденциялардан ҳисобланади. Рақамлаштириш ва инновацияларнинг кенг ривожланиши тижорат банклари томонидан хизмат турларини ахборот тизимларини такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда ҳам банк хизмат турларини ривожлантириш хусусан, унда ахборот коммуникацион технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда банк хизматларининг янги турларини жорий этиш масаласи бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Жумладан, банклар томонидан кичик ва йирик молиявий технология компаниялари мижозларга кўрсатиладиган хизматларни яхшилаш учун “сунъий ақл-идрок” (артифисиал интеллигенсе) ва рақамли технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Чунки, бозордаги янги рақобатчилар барча ўлчамдаги эски молиявий институтларга таҳдид сола бошлади. Шу билан бирга янги технологиялар банк хизматлари бозорида катта имкониятлар эшигини очмоқда.

Мамлакатда охириги йилларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, тижорат банклари хизмат турларининг янги механизмларини жорий этиш юзасидан катта ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Президентнинг “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (Фармон, 2018), “Ўзбекистон Республикасида рақамлаштиришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (Қарор, 2018), “2020 йил – Илм-маърифат ва рақамлаштириш йили” деб эълон қилинганлиги ҳамда 2030 йилга қадар “Рақамли Ўзбекистон” концепциясини ишлаб чиқиш белгиланганлиги (Мирзиёев, 2019) бу борада банк тизими олдида қатор вазифаларни бажаришни келтириб чиқаради. Юқоридаги концептуал ғоялардан келиб чиққан ҳолда, мазкур мақола мавзусининг долзарб эканлигини асослаш мумкин.

И.Балабанов (Балабанов, 2015) нинг таъкидлашича, “Банк инновацияси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, янги банк маҳсулоти ёки операция шаклида амалга оширилади”.

Масофадан банк хизматаларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчилар сони (турлари бўйича) 2023 йил ҳолатига, минг.



Бугунги кунда аҳоли Банклар томонидан мобил илова дастурлари орқали рақамлаштириш шароитида реал вақт режимида картадан картага рул оʻтказиш (P2P) операцияларини бажариш, солиқ, бюджет, коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш, микроқарз олиш ва кредитларни сўндириш, онлайн омонатларни расмийлаштириш, депозит ҳамда ссуда (кредит) ҳисобварақларини масофадан очиш, рақамлаштириш шароитида халқаро банк карта ҳисобварағидан тўловларни амалга ошириш, онлайн конверсия операцияларини амалга ошириш ва бошқа масофавий банк хизматларидан кенг фойдаланмоқда (1-расм). Ушбу расм орқали йилдан – йилга масофавий банк хизматларига бўлган талабнинг ортиши ва рақамлаштириш шароитида фуқароларимизда интерактив банк хизматларига бўлган ишончнинг тобора ортиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1) “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг РФ-6079-сон Фармони
- 2) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг Олий Мажлисда Мурожаатномаси. 28.12.2018 й. // Халқ сўзи
- 3) Балабанов И.Т. Риск-менеджмент. – М.: Финансы и статистика, 2009. – 265 с.
- 4) www.cbu.uz